



НАФАС ЙЎЛЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ИККИЛАМЧИ ИНФЕКЦИЯЛАРНИ ЧАҚИРУВЧИ БАКТЕРИЯЛАРГА ФИТОНЦИДЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Мажидов Каюм

Субхонов Асатилло

Юлдошев Анвар

Илмий раҳбари: **Мирзаев Ризамат Зиёдуллаевич**

Самарканд давлат тиббиет университети

Ўзбекистон, Самарканд

Ишнинг мақсади: Ўткир респиратор вирусли касалликлар билан касалланган талабалар нафас йўлларида учрайдиган иккиламчи инфекцияларга сабаб бўлувчи бактерияларга фитонцидларнинг таъсирини аниқлаш.

Тадқиқот материали ва услуби: Ўткир респиратор вирусли касалликлари билан касалланган 24 нафар талаба (тажриба гуруҳи) ва касалланмаган 27 нафар талаба (назорат гуруҳи) нафас йўлларида стерил тампонлар ёрдамида суртма олиниб, 1% ли шакарли озиқ муҳитларга ва 3%ли қонли агарларга экилди. Бу озиқ муҳитлар икки қисмга ажратилиб, бир қисмига пиёз шираси томизилди, иккинчи қисми эса таққослаб кўриш учун ўз ҳолича қолдирилди. Термостатда 370С да 24 соат мобайнида ўстирилгандан сўнг озиқ муҳитлардаги бактерияларнинг калониялари ўрганилди ва улардан суртмалар тайёрланиб микроскопик усулда текширилди. Олинган натижалар: Ўткир респиратор вирусли касалликлари билан касалланган талабалар нафас йўлларидаги суртмаларидан кўп миқдорда гемолитик стрептококклар (8та калония), оқ, сариқ стафилакокклар (15та колония), пневмококклар (3та колония), кандида ва бошқа шартли патоген микроблар кўплаб



ўсиб чиқди. Озиқ муҳитнинг пиёз шираси томизилган бошқа ярмидан эса Грамм мусбат бактериялар: стрептококк, стафилакокк, диплококклар ҳамда кандида замбуруғлари ва бошқа микроблар ўсмасдан тиниқ – тоза майдон ҳосил бўлди. Соғлом талабалар нафас йўлларида олиб экилган озиқ муҳитларда кам миқдорда агеомолитик стафилакокк, стрептококклар, кўплаб пептококклар ва диплококклар дифтероидлар ва вейлонелалар, ачитқисимон замбуруғлар ўсиб чиқди. Озиқ муҳитнинг пиёз шираси томизилган қисмида эса бу бактериялар ўсиб чиқмади ва тиниқ майдон ҳосил бўлди.

Хулоса: олинган натижалар шуни кўрсатдики: Ўтказилган тажриба ўткир респиратор вирусли касалликларида кўп миқдорда пиёз истеъмол қилиш иккиламчи инфекцияларнинг шиллиқ қават тўқималарида шартли патоген микробларнинг кўпаймаслигига тўлиқ асос бўла олади. Чунки пиёздаги фитонцид моддалар нафақат бактериялар, содда ҳайвонлар, замбуруғ ва микобактерияларга қарши таъсир кўрсатиши балки вирусларнинг ҳужайра ичида синтезини секинлаштириши ҳамда буйрак усти безини қитиқлаши натижасида организмнинг реактивлигини ошириши ҳақида маълумотлар бор. Қолаверса, пиёздаги С ва В гуруҳидаги витаминлар, провитамин А ва бошқа қимматли кислоталарнинг борлиги кўпгина адабиётларда қайд этилган. Овқат рационидо доимий равишда хом пиёз бўлганда, организмда касаллик қўзғатувчи Грамм мусбат ва Грамм манфий кокклар, микобактериялар, кандида ва содда ҳайвонлар кўпайиши учун имконият булмайди. Синтетик ёки ярим синтетик йўللар билан олинган антибиотикларнинг ноҳуя таъсирлари табиий маҳсулотларда, хусусан пиёзда йўқдир. Бу эса инфекцион касалликларининг қисқа вақт ичида асоратсиз тузалишига сабаб бўлади. Текширилган ўсимликда хавфли касаллик туғдирувчи турларнинг табиий манбалари аниқланди. Хавфли касаллик туғдирувчи турларининг табиий манбаларидан маданий ландшафтга ўтишига йўл қўймаслик учун тавсиялар берилди.

**Адабиетлар:**

1. Азимова, А. А., Абдухоликов, С. Х., &Бозоров, Х. М. (2023). ОСЛОЖНЕНИЕ ГЛЮКОКОРТИКОИДНОЙ ТЕРАПИИ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19. ББК 5я431 М42 Печатается по решению Редакционно-издательского совета Государственного гуманитарно-технологического университета, 18.
2. АЗИМОВА, А. А., &МАЛИКОВ, Д. И. (2022). ПОВРЕЖДЕНИИ МЯГКОТКАНЫХ СТРУКТУР КОЛЕННОГО СУСТАВА И УЛЬТРАЗВУКОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ. МОЛОДЕЖНЫЙ ИННОВАЦИОННЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Воронежский государственный медицинский университет имени НН Бурденко, 11(2), 10-13.
3. Азимова, А. А., Маликов, Д. И., &Шайкулов, Х. Ш. (2021). МОНИТИРОИНГ ЭТИОЛОГИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ СЕПСИСА ЗА. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 48.
4. Азимова, А. А., &Маликов, Д. И. (2023). ВЫЯВЛЕНИЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЕЖЕГОДНОГО СКРИНИНГА УЗИ ИЛИ ОДНОКРАТНОГО СКРИНИНГОВОГО МРТ К МАММОГРАФИИ У ЖЕНЩИН С ПОВЫШЕННЫМ РИСКОМ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. THE BEST STUDENT OF THE CIS, 1(1).
5. Азимова, А. А., &Маликов, Д. И. (2023). ВЫЯВЛЕНИЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЕЖЕГОДНОГО СКРИНИНГА УЗИ ИЛИ ОДНОКРАТНОГО СКРИНИНГОВОГО МРТ К МАММОГРАФИИ У ЖЕНЩИН С ПОВЫШЕННЫМ РИСКОМ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. THE BEST STUDENT OF THE CIS, 1(1).
6. Супхонов, У. У., Файзиев, Х. Ф., Азимова, А. А., &Абдурахмонов, Д. Ш. (2024). СУЩЕСТВУЮТ СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ЛИПОСАКЦИИ, КОТОРЫЕ УСПЕШНО ПРИМЕНЯЮТСЯ ДЛЯ КОНТУРНОЙ ПЛАСТИКИ ТЕЛА. NAZARIY VA AMALIY FANLARDAGI USTUVOR ISLOHOTLAR VA ZAMONAVIY TA'LIMNING INNOVATSION YO'NALISHLARI, 1(2), 18-22.